



О‘ЗБЕКISTON RESPUBLIKASI BUXORO VILOYATI HOKIMINING QARORI

200118. Buxoro viloyati, Buxoro shahri, I.Mo‘minov ko‘chasi 1-uy. Tel.:(365) 224-34-85, Faks: 223-05-95 e-mail:
info@buxoro.uz, buxoro@exat.uz

2021 - yil 16 - noyabr

151-2-0-Q/21

Buxoro viloyati hokimligi

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 12 ноябрдаги ПҚ-9-сонли “Германия тараққиёт банки иштирокида “Кичик ва ўрта бизнесни молиявий қўллаб-қувватлаш” лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 12 ноябрдаги ПҚ-9-сонли “Германия тараққиёт банки иштирокида “Кичик ва ўрта бизнесни молиявий қўллаб-қувватлаш” лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 12 ноябрдаги ПҚ-9-сонли “Германия тараққиёт банки иштирокида “Кичик ва ўрта бизнесни молиявий қўллаб-қувватлаш” лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг мазкур қарори билан:

Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясига мувофиқ, шунингдек, иқтисодиётнинг барча соҳалари, шу жумладан қишлоқ хўжалиги йўналишидаги тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш ҳамда Германия тараққиёт банки (кейинги ўринларда - KfW билан ҳамкорликни янада кенгайтириш мақсадида:

Ўзбекистон Республикаси ва Германия Федератив Республикаси ўртасида тузилган молиявий ҳамкорлик келишувига асосан KfW томонидан Ўзбекистон Республикасида “Кичик ва ўрта бизнесни молиявий қўллаб-қувватлаш” лойиҳасини (кейинги ўринларда - Лойиҳа) молиялаштириш учун йиллик 2 фоизли ставкада, 10 йиллик имтиёзли даврни ўз ичига олган ҳолда 30 йил муддатга кредит ажратиш бўйича қарз ва грант битимлари имзоланганлиги;

лоийҳанинг умумий қиймати 29,8 млн евро бўлиб, шундан:

26,8 млн евро KfWнинг кредитини ташкил этиши;

3,0 млн евро Лойиҳани амалга ошириш билан боғлиқ консалтинг хизматлари учун KfW грантини ташкил этиши белгиланганлиги;

лойиҳани амалга ошириш муддати 4 йил (2021-2024 йиллар) этиб белгиланганлиги;

лойиҳа Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларда амалга оширилиши белгиланганлиги;

“Кичик ва ўрта бизнесни молиявий қўллаб-қувватлаш” лойиҳасининг асосий кўрсаткичлари ва маблағлардан фойдаланиш жадвали 1-иловага мувофиқ;

“Кичик ва ўрта бизнесни молиявий қўллаб-қувватлаш” лойиҳаси доирасида KfW кредитини ва унинг фоиз тўловларини тўлашнинг прогноз жадвали 2-иловага мувофиқ;

Германия тараққиёт банки иштирокидаги “Кичик ва ўрта бизнесни молиявий қўллаб-қувватлаш” лойиҳасини амалга ошириш юзасидан “Йўл харитаси” 3-иловага мувофиқ тасдиқланганлиги инобатга олинсин.

3. Вилоят ҳокимининг ўринбосари А.Назаровга вилоят қишлоқ хўжалиги бошқармаси (А.Жаводов) билан биргаликда вилоятда амалга ошириладиган “Кичик ва ўрта бизнесни молиявий қўллаб-қувватлаш” лойиҳаси доирасидаги тадбирларни самарали амалга ошириш учун зарур шарт-шароитларни яратиш, шунингдек KfW ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилик ҳужжатлари талабларига мувофиқ ҳисобот ҳамда зарур ҳужжатларни тайёрлаб тақдим этилишини ташкиллаштириш топширилсин.

4. Вилоят ҳокимининг ўринбосари - Инвестициялар ва ташқи савдо бошқармаси бошлиғи Р.Асадовга вилоятда амалга ошириладиган “Кичик ва ўрта бизнесни молиявий қўллаб-қувватлаш” лойиҳаси доирасидаги тадбирларни самарали амалга оширилишини мувофиқлаштириш топширилсин.

5. Мазкур қарор ижросининг назорати вилоят ҳокимининг ўринбосари - инвестициялар ва ташқи савдо бошқармаси бошлиғи Р.Асадов зиммасига юклатилсин.

Бухоро вилояти ҳокими



Б.К.Зарипов